O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№
3 11 299




# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1999 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 24 декабр, №52 (3538) ●


*9 январ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

## САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ

Мустақил Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — мамлакат Президентлигига бўладиган сайлов куни тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан Президентликка номзодларнинг республика вилоятларидаги сайловчилар билан учрашувлари қизғин ўтаётир. Президент Ислом Каримов Фарғона водийси вилоятлари сайловчилари билан учрашувлардан сўнг Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари сайловчилари ҳузурида бўлиб қайтди. Бу жойлардаги учрашувлар халқимизнинг ўз Президентларига бўлган меҳр-муҳаббатлари ниҳоятда зиёда эканлигининг ўзига хос намойишига айланди.

Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислом Каримов сайловчилар билан учрашувларда бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларни, эришган ҳурриятимизни мустаҳкамлаш ва халқ турмушини юксалтириш йўлида изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ишларни, мавжуд муаммоларни ниҳоятда теран ва рўй-рост таҳлил этиб берди. Айниқса, мамлакат ободончилиги йўлида қилинаётган ишларга катта аҳамият берди. Президент Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашувда бу вилоятнинг мустақиллик йилларида юз кўрсата бошлаган жуда катта ижтимоий-иқтисодий имкониятларига муносиб баҳо берди. Мамлакат иқтисодий қудратини оширадиган йирик саноат иншоотлари ишга туширилиши муносабати билан ҳозир Қашқадарё вилояти республикада қазиб олинаётган газнинг 88 ва нефтнинг 92 фоизини етказиб бермоқда. Мамлакатда энг йирик Шўртан газкимё мажмуи, Толимаржон нурхонаси, Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилиши жадал олиб борилмоқда. Кўкдумалоқ атрофида янги-янги нефт конлари ишга туширилмоқда. Бу йирик саноат иншоотлари ва қурилишлар фақатгина Қашқадарё вилоятинингина эмас, айни пайтда бутун мамлакатнинг XXI асрдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётида жуда катта истиқболлар очади.

Айтиш керакки, бундай йирик қурилишлар бугун фақат Қашқадарё ёки Сурхондарё вилоятларидагина эмас, мамлакатнинг барча ҳудудларида олиб борилмоқда. Фарғона водийсини Тошкент билан энг яқин йўл орқали боғловчи Қамчиқ довонида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини, Қирғизистон ҳудудида Хитой сари солаётган йўлимизни бутун мамлакат ва жаҳон кўриб турибди. Навоий — Учқудуқ — Нукус темир йўли эса мамлакат вилоятларини бир-бирига энг яқин йўллар орқали боғлабгина қолмай Қизилқумни мустақил Ўзбекистон тараққиёти йўлида ўзлаштириш, обод қилиш, фаровонлик масканига айлантириш сари қўйилган буюк қадамдир.

Буларнинг ҳаммасига халқимиз мустақиллик йилларида, ана шу мустақилликнинг бош ижодкори Президент Ислом Каримов йўлбошчилигида эришмоқда. Учрашувларда эл-улусимиз оқсоқоллари, сайловчиларнинг вакиллари бу ҳақда қалб сўзларини изҳор этишиб, халқимизни 9 январда Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга даъват этмоқдалар.

Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ

## АДОЛАТ ТИМСОЛИ

Аслин олса барчамиздек битта жондир,
Яратгандан миллат учун нур, эҳсондир,
Эл-юртига ҳар бир лаҳза фидожондир,
Матонатнинг тимсолидир юртбошимиз.

Ҳур диёрда боғу бўстон яратди, рост,
Эътиборин эзгуликка қаратди, рост,
Ватан шонин дунё узра таратди, рост.
Саодатнинг тимсолидир юртбошимиз.

Қадрин тиклар ўтган қанча буюкларни,
Толиқмасдан даст кўтаргай зил юкларни,
Истиқлолдан қурди азим кўприкларни,
Шижоатнинг тимсолидир юртбошимиз.

Ўзбекистон келажагин порлоқ кўрди,
Ҳар бир ишда халқи билан кенгаш қурди,
Бутун жаҳон унга томон юзин бурди,
Кароматнинг тимсолидир юртбошимиз.

Эъзозлайди Ватан қадрин билганларни,
Бирор лаҳза тинчимасдан жилганларни,
Кечирди ҳам баъзан хато қилганларни,
Адолатнинг тимсолидир юртбошимиз.

Ақл-ёди Ҳаққа ошно этилгандир,
Нигоҳлари уфқларга тикилгандир,
Номи абад тарихларга битилгандир,
Садоқатнинг тимсолидир юртбошимиз.

Бу қисматнинг оғирлигин яхши билар,
Муаммолар босқич-босқич ҳал қилинар,
Эл-юртига барқарорлик, тинчлик тилар,
Шафоатнинг тимсолидир юртбошимиз.

Олам узра ҳилпирайди юрт байроғи,
Орзу-ҳавас, мақсадларин йўқ адоғи,
Элин ҳар бир ўғил-қизи — кўз қароғи,
Саҳоватнинг тимсолидир юртбошимиз.

Пешволарга бўлган эмас ҳеч вақт осон,
Заковатин тан олмоқда жумла жаҳон,
Эл бахтига ул жафокаш бўлсин омон,
Жасоратнинг тимсолидир юртбошимиз.

*Мангу лаҳза*

## ЭҲТИРОМ

Ўтаётган йилнинг 12 декабрида Ҳамид Олимжоннинг таваллуд топганига 90 йил тўлди. Шоир ана шу муддатнинг 35 йилинигина яшаб, адабиётимиз тарихида бир умрга қолди.

Ҳамид Олимжон шеърият гулшанида яшаш учун туғилган эди. Аммо давр ундан бошқа ижодий юмушлар билан ҳам шуғулланишни тақозо этди. Шунинг учун ҳам унинг, масалан, 1940 йилдаги ҳаётига назар ташласак, фақат икки дона шеърнигина ёзганини кўрамиз. Бунинг боиси шундаки, 1938 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига масъул котиб этиб тайинланган Ҳамид Олимжон аксар вақтини адабий жараёнга раҳбарлик қилишга бағишлади. Алишер Навоийнинг 1941 йили ўтказилиши мўлжалланган 500 йиллик юбилейи эса унинг бутун диққат-эътиборини ўзига қаратди.

1938 йил, 23 ноябр. Ҳамид Олимжон А. Н. Толстойга хат ёзиб, шу вақтга қадар Москвадаги Ёзувчилар уюшмасида Навоий юбилейи бўйича комиссия тузилмагани, марказий газеталар буюк ўзбек шоири ҳақида «миқ» ҳам этмаётганларини маълум қилди. Унинг шу хатидан кейин Москвада Н. С. Тихонов раислигида юбилей комиссияси тузилди.

1939 йил, 14 феврал. Шоир Навоий юбилейини ўзбек халқи маданиятининг байрами сифатида ўтказиш лозимлиги ҳақида А. А. Фадеев ва Н. С. Тихоновга хат йўллади.

1940 йил, 29 феврал. Ҳамид Олимжон Москвага, миллий адабиётлар билан шуғулланувчи Пётр Скосиревга хат ёзиб, Лермонтов юбилейи қўмитасининг мажлисига бора олмаслигини хабар қилди ва 20 март куни очилажак Навоий юбилейи билан боғлиқ пленумга москвалик барча алоқадор ёзувчиларнинг етиб келишларини сўради.

Шу тарзда Ҳамид Олимжоннинг 1940 йилдаги ҳаёти Навоий билан чамбарчас боғланди. У ҳукумат юбилей қўмитасининг илмий котиби сифатида Навоий ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишга бағишланган конференцияга раҳбарлик қилди. 1940 йил 15 октябрда бошланган бу илмий анжуманда маъруза қилиш билангина кифояланмай, ўзбек ва рус тилларида талайгина мақолалар эълон этди. Айни пайтда Навоийнинг асосий асарларини рус тилига сўзма-сўз таржима қилиш ишига бош-қош бўлди.

1940 йил, 3 декабр. Шоир Низомий ва Навоий юбилейларини ўтказувчи қўмита йиғилишида қатнашиб, катта нутқ сўзлади. Москвада бўлиб ўтган бу йиғилишда Ҳамид Олимжон Навоий юбилейи юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида мукаммал маълумот берди. У Навоий яратган асарлар миқдори 50 га яқин бўлишига қарамай, уларнинг аксари эндигина топилиб, ўрганила бошлагани, Навоийга бағишланган тўпламлар, луғатлар, пьесалар, киноссценарийлар, қисса ва романлар ёзилаётгани, шоир асарлари асосида театр спектакллари яратилаётгани ва бошқалар тўғрисида жўшиб сўзлади. Ўша кезларда Навоий юбилейи қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимига кўтарилган шоир республикамизда олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳисобот бериш билан бирга, айни пайтда «қўлини совуқ сувга урмаган» Москва ёзувчиларини кескин танқид қилди, уларни Навоий юбилейи масаласига жиддий равишда киришишга чақирди.

Бугун илк бор эълон этилаётган сурат 1940 йилнинг сўнгги кунларида олинган. Бу суратдаги 40-йил совуғидан дийдираб турган навқирон шоирга қараб, унинг 31 ёшида шунчалик катта ва масъулиятли юкни ўз елкасига олгани ва уни шараф билан бажарганига тасаннолар айтмай илож йўқ. Улуғ шоирга эҳтиром ҳисси билан йўғрилган Ҳамид Олимжон Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносиб нишонланиши учун нафақат ташкилотчилик истеъдоди, балки қалб қўрини ҳам тўла-тўкис бағишлаган эди.



Ҳамид Олимжон таваллудига 90 йил тўлган ушбу айёмда шоир ҳаётининг ана шу муборак саҳифасини ҳам варақлаш виждоний бурчимиздир.

Наим КАРИМОВ

## «АЛПОМИШ» ДОСТОНИ — ЭКРАНДА

*Янги фильмлар*

Барча туркий халқлар учун бирдай қадрли ва эъзозли бўлган «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Бу ўлмас ижод намунасининг қутлуғ тўйини кино усталаримиз ҳам муносиб кутиб олдилар. Ҳужжатли кино ижодкорлари икки қисмли филм яратиб, бадиий ва ҳужжатли кино воситалари ила ўзбекнинг ўзлик қўшиғини, ҳар бир янги насл юрагида янгидан туғилишини тараннум этдилар. Сценарий муаллифлари М.Қўшмоқов, Ш.Турдимов, режиссёр — оператор Элдор Мамедов маънавий бойлигимиз бўлган бу достоннинг бугунги кунимиз, давримиз учун аҳамияти борасида фикр юритадилар.



Достон воқеалари хаёл илғамас даражада қадимий. Ушбу мумтоз бадиий обидaнинг миллий муҳитимизда юзага келишида халқимиз илму ҳунар маданияти анъаналари, қадим давлатчилик тажрибалари экани яққолдир. «Алпомиш» ҳужжатли филмида айнан шу мавзу ифода этилган.

Айни чоқда мултипликация усталари ҳам «Алпомиш» деб номланган янги филм устида иш олиб боряптилар. Истеъдодли кинорежиссёр Нозим Тўлахўжаев Алпомиш ва унинг аждодлари номи билан боғлиқ ноёб ҳодисаларни мултипликация филмида ўзига хос услубда талқин этишга бел боғладилар.

Халқ оғзаки ижодига доимо қизиқиб, ўрганиб, ўз асарларида акс эттиришга интилиб келган кинорежиссёр Ҳабибулла Файзиев эса кенг қамровли «Алпомиш» бадиий филмини суратга олиш ишларини бошлаб юборди.

Филм сценарийсининг муаллифи таниқли шоир ва ёзувчи Усмон Азим. Бош қаҳрамон — Алпомиш ролини узоқ изланишлардан сўнг каратэ устаси Азамат Қаландаров, санъат олийгоҳи актёрлик бўлимининг талабаси Дилдора Тўраева эса Алпомишнинг севгилиси Барчиной ролини ижро этмоқда. Филмдаги асосий ролларга, шунингдек, Ҳошим Арслонов, Хайрулла Саъдиев, Нозим Тўлахўжаев, Яйра Абдуллаева, Саида Раметова, Афзал Рафиқов ва бошқалар таклиф этилган. Шунингдек, хонандалар Фарруҳ Зокиров ва Козим Қаюмов драматик талқиндаги образларни ижро этмоқдалар.

«Ўзбеккино» ДАК ҳамда «Ўзбекфилм» студияси маҳсулоти бўлган «Алпомиш» бадиий филми келгуси йили томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

Феруза НОДИРОВА

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

## ОҚСАРОЙНИНГ ЧИРОҒИ...

Оқсаройнинг чироғи ўчмас,
Оппоқ руҳлар айламиш макон.
Меҳри дилда, нақшланмиш, кўчмас,
Халқим дейди иймонли Инсон!

Амир Темур бобомнинг руҳи
Ўпар бахтли пешонасини.
Яхшиларга ошён даргоҳи,
Ой соғинар остонасини.

Дастхатини осмонга эмас,
Нурдан ёзар момо тупроққа.
Эл, ер билан жонидир пайваст,
Зиё берар оташ, чироққа.

Буюк ипак йўллари аро,
Карвон топгай насибасини.
Иймон борки — мунаввар дунё,
Тангри берар мартабасини.

Виқор билан талпиниб кўкка,
Ҳилпирайди Давлат байроғи.
Мадҳиямиз ошно юракка,
Туғромиз, дер кўзлар қароғи.

Бош Қомусим — номусим-орим,
Ҳақ-ҳуқуқим Ватанда пойдор.
Ўзбеклигим — борлиқ, боримдир,
Қалбга кўчган ғурур, ифтихор!

Ватан ўйлар соғлом авлодин,
Йилу дилин унга бағишлар.
Унутмайди тарих, аждодин,
Ҳур келажак — баркамол ёшлар!

Кўҳна Шошим, Янги Тошкентим —
Қалби очиқ Шарқ дарвозаси.
Бахшидадир қўшиғим — байтим,
Ёяр тонгдан юрт овозасин.

Етти иқлим келар саломга,
Элчиларнинг узилмас кети.
Чиқди элим кенг бу оламга,
Тилдан тушмас Ўзбеклар юрти!

Таратади зиё Оқсарой,
Қалби қуёш Чароғбони бор!
Юлдузли кўк лолдир ҳайнаҳой,
Шуурига мафтункор диёр!

Бахт яратар ҳунарманд қўлим,
Гул ундирар меҳрдан тошда!
Ҳур меҳнатин шарафлар эдим,
Чин инсонни кўтарар бошга!

Нигоҳида Олам айланар,
Кун исинар қалбин чўғига.
Савоб қилиб элда сийланар,
Кўз тегмасин қорачўғига!

Янги аср бошлаб беражак,
Ўзбекномам зар варағини.
Халқим қалби уриб туражак.
Оллоҳ ёққан Бахт чироғини!

Оқсаройнинг чироғи ўчмас,
Оппоқ руҳлар айламиш макон.
Меҳри дилда, нақшланмиш, кўчмас,
Халқим дейди иймонли Инсон!

## САОДАТ ҚОБУЛОВАНИНГ ЭЪТИРОФИ

Мусиқа санъатимиз аллақачон жаҳон миқёсида эътироф этилаётгани ҳаммамизга маълум. Тошкент давлат консерваторияси ва бошқа мусиқа даргоҳларининг битирувчилари ҳамда талабалари эришаётган ютуқларнинг ўзиёқ фикримизнинг исботидир. Айни шу маънода Тошкент консерваторияси талабаси Кирилл Барчаниновнинг шу йил Қозон шаҳрида ўтган М. Глинка номидаги XVIII халқаро вокалистлар танлови дипломанти бўлиши республикамиз мусиқа ҳаётида катта воқеадир.



Шубҳасиз, ёш хонанда бундай муваффақиятга ўз-ўзидан эришгани йўқ. Аввало, у ўз устида ниҳоятда кўп ишлайдиган, қобилиятли, меҳнатсевар талаба. Қолаверса, унинг устози, профессор, Халқ артисти Саодат Қобуловани нафақат республикамизда, балки бутун дунёда Ўзбекистон булбули сифатида яхши танийдилар. Саодат опа ўзининг шогирди ҳақида фахр билан: «Бу йигит ўзбек Шаляпини», — дейди. Мен унинг ижросида «Питер бўйлаб...» рус халқ қўшиғини тинглар эканман, устозининг баҳоси нақадар ҳақлигига амин бўлдим.

Муҳими шундаки, К. Барчаниновнинг овози жаҳон бўйича энг ноёб овозлардан саналиб, ниҳоятда кам учрайди. Бинобарин, биз ана шу овозни ҳам, унинг соҳибини ҳам авайлаб-асрашимиз керак.

К. Барчаниновнинг келажагига келсак, ҳозирдаёқ у аниқ йўналишга эга. Чунки бу ноёб истеъдод соҳиби ҳозирги кунда Навоий номидаги давлат академик Катта театрида солист сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Гулсара БОБОЖОНОВА

## ТЕАТРЛАР — БОЛАЖОНЛАРГА

Республикамиздаги деярли барча театр жамоалари болаларнинг қишки таътиллари кўнгилдагидек ўтиши учун ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрида 25 декабрдан 11 январгача С. Сирожиддиновнинг «Ўрмон машмашаси» асари асосида «Қорбобо ва Қормомо» номли икки қисмдан иборат мусиқали спектакл қўйилади. Ўйлаймизки, Ё. Қутлиев, З. Йўлдошева, З. Асқаров, Д. Абдулазизова каби актёрлар билан учрашув ёш томошабинларда қизиқиш уйғотади.

Шунингдек, Муқимий номидаги мусиқий театрда эса И. Тўрақуловнинг «Оққушга тош отманг» асари асосидаги томоша болаларга тақдим этилади. Спектаклдаги асосий ролларни Д. Узоқов, М. Хўжамбердиев, М. Сотиболдиева, М. Мамадалиева, М. Юсупова каби актёрлар ижро этмоқдалар.

Хусния ПАРДАЕВА

## «ДИЛ ЭРКИНЛИГИ»НИ ЎҚИБ...

*Адибга мактуб*

*Ассалому алайкум, муҳтарам адибимиз Иброҳим Ғафуров!*

*Китобингизни биз ҳам машрабона туйғу ва кечинмалар ила ўқимоқдамиз. «Ўқимоқдамиз» дейишимизнинг боиси **«Дил эркинлиги»**ни бир ўқиб ташлаб қўядиган китоб эмаслигини ифтихор билан, алоҳида урғу билан билдириб қўйишни китобхонлар олдидаги фарз ва қарзимиз деб билдик. Боиси, унга ёзилган сўзбоши ҳам биз кутгандан-да зиёда бўлибди. Адабиёт оламига аёнки, Сиз кўпроқ мумтоз адабиётдан тортиб, умуман, адабиёт дунёсидаги барча дурдоналарни синчковлик билан кузатиб борасиз, қанчадан-қанча шоир ва адиблар, шоира ва адибаларнинг асарларини, ижодий йўналишларини тошу-тарозуга солиб, ёш ижодкорларга эрса ижод деган муқаддас кошона остонасидан ҳатлаб ўтиш осон эмаслигини уқдирасиз.*

*Дунёни назму навоси, ўлмас асарлари билан қойил қолдириб турган ғазал мулкининг султони Низомиддин мир Алишер Навоий, гоҳ шоҳ Машраб бўлиб сипо ва устувор қарашлари билан кўнгил шами-шабистонини ишғол қилган, жон-жонимизни яшаш нашидаси билан поклаб, девонаи Машрабга айланган шоир Машраб... Биз учлик — китобхон, адиб, лирик қаҳрамон билан китоб воқеаларининг бошидан охиригача гоҳ илоҳий ишқ ва изтироб ичинда ҳайқириб, гоҳ ер билан битта бўлиб, онатупроқ ифорини туйиб-туйиб туйгувчи, ёнгувчи, ўртангувчи ҳолат ва лаҳзаларни бошдан кечирдик.*

*Иброҳим ака, рўй-рост айтишимиз мумкинки, бу истиқболимиз эпкини бахш этаётган шарофат ва хосиятлигдир, йўқса, Машрабнинг дил титроқларини бу қадар эмин-эркин кўз илғамас пардаларда созлаб тараннум этиш осон кўчмас эди, деб ўйлаймиз. Яратганга шукроналар бўлсинким, истиқлолимиз фақат Сиз каби адибларгагина эмас, балки кўпсонли китобхонлар дид ва талабларига ҳам, ҳатто асар қаҳрамонларини «илгариги бир хил қолип балосидан» чиқариб, уларнинг ҳаётига ҳам эркинлик бахш этди. Шунинг учун ҳам биз **«Дил эркинлиги»**ни яйраб мутолаа қилишга муяссар бўлдик. Сиздек кўплаб адибларимиз имкониятларини очиб бераётган мустақилликка беадад ихлос ва имон, фахр ва миннатдорлик тўла дилимизни изҳор этажакмиз. Ахир, бугун Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирийлар эркинлиги, уларнинг ижодга, адабиётга, мухлисларга, Ватанга, халқимизга қайтишлари ҳам **«Дил эркинлиги»**да акс этиб турибди. Жаҳонгир Амир Темурдан илм ва маърифат офтоблари — Баҳоуддин Нақшбанд ва Аҳмад ал-Фарғонийларнинг ватанларига қайтганлари, юртимиздаги ноёб тарихий обидаларнинг тикланаётган ва янги-янги шарқона меъморий биноларнинг қад кўтаришлари — барча-барчасини мустақиллик шарофатидан деб биламиз. Машраб, ҳақ ва ҳақсизлик ўртасида гоҳ нолон, гоҳ наъра тортиб ўтдан — сувга, сувдан — ўтга ташланган. Машрабимизнинг ўзи ўз адабиётимизда не хил талқин ва тахминларга дуч келмади, ахир! Бугун ана шу мустақил юртимиз шоир ва адиблари, ўзбек адабиёти, ўзининг қадди-бастини аста тиклаб бораётганлиги қувончли ва ҳаяжонли.*



*Сўз — кўнгил калити, дейдилар. Сиз ана шундай сўз меҳрини, сўз қадр-қимматини билгувчи ва илғагувчисизки, қаламингиздан тўкилган ҳар бир сўз дурдонаси хушхулқ, беғубор кўнгил кўламингизни шундоққина акс эттириб тургандек.*

*Қалб хазинангиздан қалам-ла тўкилган сўз гавҳарларингизни теришга ҳамиша муштоқ мухлисларингиз:*

Малика МИРЗАЕВА,
Омонжон ҲОШИМОВ

## «КАМПИР ТОПАЙМИ, ДАДАЖОН?»

*Янги томоша*

Нимасини айтасиз, ҳозирги кампирлар ҳам анойи эмас. Қариган чоғида ҳаловатини бузиб, чоллар билан овора бўлиб юришни исташмайди. Агар шундай бўлмаса, ҳайҳотдек ҳовлида якка-ёлғиз яшайдиган Жума бобо 15 йил мобайнида уйланиб олмасмиди? Лекин, яхшиямки, Жума бобонинг бахтига қишлоқдош жўраси Ҳамид бобо бор экан. Кўпчилик 15 йилдан бери уддасидан чиқолмай юрган ишни бир пасда эплади-қўйди... Қандай қилиб дейсизми?

Агар воқеанинг боришига жуда ҳам қизиқаётган бўлсангиз Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон драма театрида саҳналаштирилган «Кампир топайми, дадажон?» спектаклини бориб кўринг.

Асар сурхондарёлик ижодкор Холиқ Хурсандов қаламига мансуб бўлиб, уни режиссёр Зайниддин Омонов саҳнага олиб чиқди. Мусаввир Зокиржон Қобулов эса томошабоп суратлар ишлади.

Асосий ролларни Зарил Зоиров, Носир Сайфиев, Умрзоқ Тиллаев, Дилором Эгамова, Искандар Султонов, Мавжуда Аминова, Гулбаҳор Мамедова каби актёрлар ижро этмоқдалар.

Абдуазиз ҲОШИМОВ

